

# МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ

*Илимий-методикалық журнал*

№ 5/3 2023



*гуманитарные науки*
*естественные науки*
*технические науки*





ISSN 2181-7138

# МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ

*Илимий-методикалық журнал*

## *2023*

## 5/2-сан

*Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының 25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды. №01-044-санлы гуўалық берилген.*

Нөкис

**5/3-сан *2023***

*ноябрь*

***Шөлкемлестириўшилер:***

***Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги, ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы***

**Редактор:**
**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Адхамжон АБДУРАШИТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Ерполат АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Интизар АБДИРИМОВА
Мавлюда АЧИЛОВА
Нуриддин АЧИЛОВ
Тўлқин АЛЛАЁРОВ
Марифжон АХМЕДОВ
Умида БАҲАДИРОВА
Фархад БАБАШЕВ
Ботир БОЙМЕТОВ
Гулзода БОЙМУРОДОВА
Шахло БОТИРОВА
Маманазар ДЖУМАЕВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Алишер ЖУМАНОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Холбой ИБРАГИМОВ
Умида ИБРАГИМОВА
Лола ИСРОИЛОВА
Меруерт ПАЗЫЛОВА
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Захия НАРИМБЕТОВА
Мехри НАРБАШЕВА
Улфат МАҲКАМОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Нуржан МАТЧАНОВ
Сафо МАТЧОН
Шукурилло МАРДОНОВ
Шахсанам МАТУПАЕВА
Лобар МУХТОРОВА
Камаладин МАТЯКУБОВ
Раъно ОРИПОВА
Бахтиёр РАХИМОВ
Фурқат РАЖАБОВ
Сайёра РАХМОНОВА
Арзы ПАЗЫЛОВ
Барлықбай ПРЕНОВ
Дилшода САПАРБАЕВА
Феруза САПАЕВА
Зайниддин САНАҚУЛОВ
Қаххор ТУРСУНОВ
Амина ТЕМИРБЕКОВА
Нурзода ТОШЕВА
Куанишбек ТУРЕКЕЕВ
Гулноз ТУРАЕВА
Гулмира ТОЖИБОЕВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Амангелди КАМАЛОВ
Дилбар ҚАРШИЕВА
Вохид КАРАЕВ
Дилбар ҚОДИРОВА
Ризамат ШОДИЕВ
Абдушукур ШОФҚОРОВ
Дилфуза ШАББАЗОВА
Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Тармиза ХУРВАЛИЕВА
Умид ХОДЖАМҚУЛОВ
Жавлонбек ХУДОЙБЕРГЕНОВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА
Гавхар ЭШЧАНОВА

# МАЗМУНЫ

## ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ


**Orazimbetova R.M. Sh.Seyitovtiń** «Xalqabad» romanı leksikasınıń semantika-stilistikalıq ózgeshelikleri ..... 7
**Gulyamova X.** Olmosh so`z turkumini o`qitish metodikasi ..... 14
**Ro'ziyeva S.X.** Otli birikmalarning lingvopoetik tahlili asosida talabalarda sintaktik bilimlarni rivojlantirish ..... 18
**Ҳасанова Д.О.** Семасиология муаммоларига доир баъзи мулоҳазалар ..... 23
**Ahmedova H.** Nutq madaniyatini shakllantirishda gendyer xususiyatning o'ziga xosligi ..... 28
**Aliyeva N.N.** Evfemizm so'zlarining funksiyalari va motivatsiyalari ..... 32
**Parmonov A.A.** Means of representing irony in uzbek and English literary texts ..... 36
**Imomov E.A.** Professional vocabulary and their features of stabilizing the basic structure ..... 41
**Saliyeva Sh. S.** Categories and criteria for distinguishing neologisms and occasionalisms in linguistics ..... 46
**Ernazarova H.** Classification of the category of introductory constructions in artistic discourse ..... 51


## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ


**Utamuradov A., Jumabaev A.** «Tárbiya» páni hám onıń sociallıq-gumanitar pánler oqıtılıwında ornı ..... 56
**Tilegenov A.T.** Yoshlarda milliy istiqlol g'oyasini shakllantirishda xalq og'zaki ijodidan foydalanishning asosiy tendentsiyalari va ilmiy-nazariy asoslari ..... 62
**Jumamurodova U. M.** Talabalarda vizual intellekt: mohiyati va amaliy ahamiyati ..... 82
**Yarova S.B.** Talabalar ijtimoiy kompetentligini rivojlantirishning konseptual asoslari ..... 86
**Mamaxonova J.** "Ekologik bilim "va "Ekologik madaniyat" tushunchalarining konseptual tahlili ..... 91
**Ashurov M.Sh.** Aksiologik yondashuvlar asosida talabalarda milliy g'urur va iftixor tuyg'ularini takomillashtirishning shakl, metod va usullari ..... 96
**Давлетмуратова Э.** Ёшларда фуқаролик тушунчаларни ва ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш ..... 103
**Kenjaboyeva N.M., Sapieva N.M.** Iqtidorli o'quvchilarning kreativ fikrlash kompetentligini rivojlantirishni ijtimoiy–pedagogik qo'llab -quvvatlash ..... 107
**Daminova N.K., Jamalova N.U.** Talabalar ijtimoiylashuvini tashkil etishning o'ziga xosliklari ..... 116
**Abdurazaqov F.A.** 10-11-sinf o'quvchilariga ta'lim-tarbiya berishda notiqlik madaniyatini shakllantirish mexanizmlarini takomillashtirish ..... 121
**Odinaboboyev F.B.** Milliy hunarmandchilik orqali kasbiy tarbiya berish (Surxon vohasi misolida) ..... 130
**Shayzakova N.S.** Zamonaviy ta'limda bo'lajak o'qituvchilarning deontologik malakasini rivojlantirishning ahamiyati ..... 136
**Yaqubova D.B.** Pedagogika oliy ta'lim muassasalari talabalarining o'qish jarayonida mustaqil ta'limning o'rni ..... 142
**Axmadaliyeva M.** STEAM dasturiga oid testlar tuzishning nazariy asoslari ..... 146
**Kosimova N. D.** Komplaens munosabatlarini shakllantirishning psixologik mexanizmlari ..... 154
**Ismoilova N.I., Djurakulov R.** O'qitish: determinant va matrisa ..... 160
**Ruziyev E.I., Esboganova B.** Bo'lajak chizmachilik va tasviriy san'at o'qituvchilarining grafik ta'limi mazmunini takomillashtirish ..... 165
**Tleumbetova Q.D.** Pedagog-tarbiyachining kasbiy mahoratini oshirish texnologiyasi ..... 171
**Esemuratova T.A.** Sharq mutafakkirlarining meroslarida oilada bolalarni tarbiyalash masalalari ..... 176
**Temirbekova A.O.** Lingvistikaning neyropedagogik asoslarida dasturlash nazariyasi va amaliyoti ..... 180
**Xusanova F.R.** Kompetentlikka yo'naltirilgan pedagogik aspektning ilmiy asoslari ..... 190

**Toshpo'latova M.** O'smirlarda mustaqil mutoola madaniyatini shakllantirishning pedagogik asoslari ... 197
**Xodjayeva D.Yu.** Axborot xurujlariga qarshi yoshlarda mafkuraviy immunitetni shakllantirish ... 201
**Akayeva N.A., Abulova M.K.** Huquqiy madaniyatni shakllantirishda huquqiy tarbiyaning o'rni ... 208
**Rasulova A.M.** Talabalarni diniy bag'rikenglik va millatlararo totuvlik ruhida tarbiyalashning pedagogik-psixologik jihatlari ... 215
**Magdieva M. E.** Hunarmandchilik asosida xotin qizlarning kasbiy-amaliy kompetentligini rivojlantirishning pedagogik imkoniyatlari ... 222
**Ashurova Z. M.** STEAM texnologiyasi – zamon talabi ... 226
**Qo'shayev I.A.** Baxshichilik festivallarining musiqiy ta'limdagi o'rni ... 233
**Rahmatova M. T.** Xalq qo'shiqlari vositasida o'quvchilarning ma'naviy-axloqiy fazilatlarini shakllantirishning pedagogik asoslari ... 239
**Saitkulova N.R.** Talabalarning akademik mobilligini rivojlantirish usullari va vositalari hamda shakllari ... 244
**Rasulov A.N.** Umumta'lim maktabi o'qituvchilarining jamoani boshqarish qobiliyatini rivojlanitirishdagi ustuvor yo'nalishlar xususida ... 250
**Мусурмонов Р., Кабирова З.М.** Инновацион бошқарувда интеллектуал таълимнинг уйғунлиги ... 256
**Musurmonov R., Musurmonova N.** Ta'lim muassasalarini zamonaviy boshqaruv tizimiga qo'yilgan talablar ... 262
**Xurramov K.M.** Ta'limdagi zamonaviy innovatsion texnologiyalar ... 267
**Ачилова М.С.** Қўл меҳнатига ўргатиш орқали болалар ижодий тафаккурини ривожлантириш ишлари ... 272
**Kadirova G.X.** Ta'lim klasterini joriy etish tamoyillari ... 277
**Худойбердиева С.Н.** Ихтисослик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар асосида яратилган ўқув материалларидан фойдаланиш модели ... 283
**Nosirov B.G'.** Masofaviy ta'lim va uni ta'lim jarayoniga tadbiq etishning mazmuni va ahamiyati ... 287
**Salihova M.Sh.** Oliy ta'lim muassasalari talabalari uchun "ta'lim nazariyasi" fanini o'qitishda gemifikatsiya texnologiyasidan foydalanish ... 296
**Эргашев Э.К.** Профессионал таълим тизимида компетенциявий ёндашувга асосланган модулли таълим дастури ... 300
**Qurbanov I.G'.** Rivojlantiruvchi treninglar orqali maktabgacha ta'lim tashkilotlari rahbarlari kasbiy kompetentligini oshirish jarayonini tashkil etish, boshqarish va baholash mexanizmlari ... 312
**Sayfullayeva D.A.** Ta'lim sifatini baholashda steam xalqaro baholash dasturidan foydalanish ... 320
**Yusupova A.P.** Hamkorlik texnologiyasiga asoslangan ta'lim jarayonini tashkil etish ... 328
**Sodikov X.T.** Oliy ta'limda bo'lajak mutaxassislarni amaliy faoliyatga tayyorlash omillari ... 333
**Xasanova N.A.** Muammoli ta'lim (PBL) asosida professional ta'lim o'quvchilarida amaliy ko'nikmalarni shakllantirishning ilmiy-nazariy asoslari ... 340
**Мукумова Д.И.** Творческий деятельность - реализованные способности ... 345
**Арысланбаева А.Б.** Какой учитель нужен современной школе? ... 350
**Арисланбаева З.Е.** Формирование и развитие экологической культуры у студентов ... 354
**Давлетмуратова Э.** Социальные ценности и нравственно-патриотические взгляды героя Узбекистана Алланияза Утениязова ... 358
**Ибраймова А.** Психологические особенности токсичных родителей ... 363
**Mamutova Yu.** Improving reading skills of grades 10-11 students through english-language media ... 367

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

**Ҳакимов А.А.** Урбанизация жараёнлари тарихидан (сўнгги бронза даврига оид – Далварзин шаҳар харобаси мисолида) ... 373

**Абдуллаев У.** Фарғона водийси халқлари қадимги тарихий манбаларда ........ 378
**Турекеев Қ.Ж.** Қорақалпоқларнинг никоҳ тўйлари билан боғлиқ анъанавий тасаввурлар ... 382
**Nigmanova U.B.** Globallashuv sharoitida milliy- madaniy meros va qadriyatlarni saqlash zaruriyati ........ 388
**Saidova D.E.** XIX asr oxiri XX asr boshlarida o‘zbek san’atining shakllanishi va rivojlanishi ........ 396

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

**Hakimov A.** Kreativ yondashuv asosida biofizika fanini o‘qitish samaradorligini oshirish ........ 400
**Bagbekova L.K.** Ta’lim jarayonini raqamlashtirishda kompyuter grafikasini o‘qitishning ilmiy-nazariy asoslari ........ 410
**Avezov M.A.** Malaka amaliyot jarayonlarini raqamli ta’lim muhitida tashkil etish texnologiyasi ........ 415
**Atoyev F.** Innovatsion texnologiyalar yordamida talabalarning elektron ta’lim resurslardan foydalanish samaradorligi ........ 421

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

**Yusupova G.Z.** Baslawísh klass oqíwshílarínda 4k kónlikpelerin qáliplestiriwde jańa áwlad sabaqlíqlarínín tutqan orni ........ 427
**Matchonov S.M.** Boshlang`ich sinflarda mutolaa madaniyatini shakllantirish texnologiyasi ........ 431
**Наджимитдинова М.А.** Бўлажак мактабғача таълим ташкилоти тарбиячисининг ижодий фаоллигини ошириш жараёни модели ........ 436
**Abdullayeva M.Dj., Abdullayeva M.M.** Boshlang’ich ta’limda ijtimoiy-huquqiy me’yorlarning ahamiyati ........ 445
**Homidova N.N.** Boshlang‘ich sinif o‘quvchilariga tabiy fanlarning o‘qitish metodikasi tarixi ........ 450
**Pardayev A.I.** Bo‘lajak boshlang’ich sinf o‘qituvchilarida mediasavodxonlik va axborot madanyatini shakillantirish orqali kelajak avlodni tarbiyalash ........ 455
**Toshpulatova N.Sh.** Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida ilmiy dunyo - qarashni fanlararo shakllantirish metodikasini takomillashtirish ........ 460
**Mamatraimova D.Ch.** Boshlang‘ich sinf ona tili va o‘qish savodxonligi darslarida o‘quvchilar nutqini o‘stirish usullari ........ 468
**Odinaboboyev F.B.** Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida milliy hunarmandchilikni rivojlantirish orqali kasbiy tarbiya berish ........ 474
**Tashmatova Sh.R.** Boshlang’ich sinf o’quvchilarida kreativ fikrlashning pedagogik –psixalogik xususiyatlari ........ 480
**Zokirov F.** Boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga matematikadan qo‘llaniladigan test topshiriqlari turlari ........ 486
**Raximova M.X.** Bolalarni maktabga tayyorlashda maktabgacha ta’lim tashkilotlari va oilaning o’zaro hamkorligida tarbiyachi faoliyati ........ 491
**Axunov U.R.** Bolalarning aqliy va ruhiy tarbiyasini rivojlantirishda jismoniy tarbiyaning o‘rni ........ 498
**Eraliyeva Z. R.** Bolalar kitobxonligi va mediya muhitida bolalik konseptining ifodalanishi ........ 502
**Istamova Sh.M.** Maktabgacha yoshdagi bolalar nutqining o‘ziga xos xususiyatlari ........ 509
**Kamilova V.S.** Maktabgacha katta yoshdagi bolalarga ta’lim berishda kompetensiyaviy yondashuv ........ 515
**Hamroyeva G.I.** Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida hamkorlik muhitini yaratishning ahamiyati ........ 519
**Ashurova X.A.** Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining xalqaro PISA baholash dasturi asosida o‘qish ko‘nikmalarini shakllantirish ........ 524
**Boymurodova G.T.** Maktabgacha ta’limda pedagog-tarbiyachilarni kasbiy-shaxsiy tayyorgarligini takomillashtirishning pedagogik asoslari ........ 530

**Арысланбаева А.Б.** Формирования профессиональных компетенций будущих учителей начальных классов ... 536

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

**Allanazarov I.G.** Boksshínín kún tartibi, gigiyenasí hám shígíwdaǵí medicinalíq qadaǵalaw ... 540
**Serimbetov Q. O.** Sportda marketing xízmetin shólkemlestiriwdiń teoriyalíq hám metodikalíq tiykarlarí ... 556
**Serimbetov Q. O.** Juziw sportínda hárekettiń tezligin tárbiyalawdín qural hám usíllarí ... 564
**Suyarov X. B.** Umumiy oʻrta taʼlim maktablarida voleybol mashgʻulotlarini tashkil etish mexanizmlari ... 574
**Mambetkasimova Q.** Sportchining atletik sifatlarini rivojlantirish uchun mashqlar ... 581
**Ахмедов Ғ.** Жамиятда жисмоний маданиятнинг ривожланиш тенденциялари ... 585
**Рахимов Х.К., Абдуллаев Ғ. А., Хакимжонов М. Х. Саидғаниев С.О.** Енгил атлетика машғулотларида чидамлилик сифатларини ривожлантиришда спортчиларнинг юрак уриш частотаси орқали Аэроб ва Анаэроб чегарасини аниқлаш услуби ( ўрта ва узоқ масофаларга югурувчилар мисолида) ... 591
**Shukurllayev J.M.** Klaster yondashuv asosida talabalarni kasbiy va ilmiy faoliyatga tayyorlash akmeologiyasi mexanizmi (jismoniy madaniyat misolida) ... 598
**Shermatov M.N.** Oʻzbekistonda futbolni rivojlantirishning asosiy maqsadlari va vazifalari ... 603
**Nazarov A.I.** Maktablarda voleybol sportini shakllantirishning ilmiy asoslari ... 607
**Djurabayeva D.E.** Ovqatlanish gigiyenasining inson salomatligiga taʼsiri ... 610
**Farafontova O.A., Ilyosova F.F.** Problems of pedagogical aspects of selection and training of football players ... 615
**Xudoyberganov J. S.** Talaba yoshlarda jismoniy chidamlilik sifatlarini rivojlantirishda pedagogik tizimini takomillashtirishning oʻrni va xususiyatlari ... 620

# ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАЪЛИМНИНГ УЙГУНЛИГИ

***Мусурмонов Р.***
*Чирчиқ давлат педагогика университети "Мактаб менежменти" кафедраси доценти, п.ф.н.*
***Кабирова З.М.***
*Чирчиқ давлат педагогика университети "Мактаб менежменти" кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** инновацион бошқарув, интеллектуал таълим, касбий малака ва кўникма, чидамлилик, яратувчанлик, ташаббускорлик, ижодкорлик, ташкилотчилик, инсоннинг ақлий қобилияти, ақлий ривожланиш кўрсаткичи, билим савияси, идрок қилиш, хотира.

**Ключевые слова:** инновационный менеджмент, интеллектуальное образование, профессиональная компетентность и мастерство, выносливость, креативность, инициативность, креативность, организованность, умственные способности человека, показатель умственного развития, уровень знаний, восприятия, памяти.

**Key words:** innovative management, intellectual education, professional competence and skill, endurance, creativity, initiative, creativity, organization, - human mental abilities, mental development indicator, level of knowledge, perception, memory.

Бу интеллектуал, касбий малака ва кўникма, чидамлилик, яратувчанлик, ташаббускорлик, ижодкорлик, ташкилотчилик, ўз фикрини яхши чиройли, маъноли ва ёқимли баён эта олиши, нотиқлик, ишонтира олиш, назорат, кузатувчанлик, талабчанлик, хотирада сақлаб қолиш, тарбиявий муносабатларда фаоллик ҳамда психологик таъсир кўрсатиш, бошқарувчилик ва лидерлик хусусиятларининг шаклланганлигидан далолатдир.

Интеллект (лот. intellects — билиш, тушуниш, идрок қилиш) — инсоннинг ақлий қобилияти:

- ҳаётни, атроф муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти;

- турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати. Интеллектуаллик коэффициенти. (инг.intellectual quotent, қисқартма номи IQ) - шахснинг турли тест услублари асосида аниқланадиган ақлий ривожланиш кўрсаткичи, билим савияси.

**Интеллект таркибига:** идрок қилиш, хотиралаш, фикр юритиш, сўзлаш ва ҳ.к. психик жараёнлар киради.

**Интеллектнинг ривожланиши:** тугма истеъдод, мия имкониятлари, жўшқин фаолият, ҳаётий тажриба каби ижтимоий омилларга боғлиқ.

**Интеллектуал бола** - "Оиланинг илдизи, насли"га ва инновацион таълимга боғлиқ! Илдизсиз дарахт мева бермайди! Донишманд кекса ҳақидаги ривоят: **1000 йил илгари** Маъмун академияси даврида бир кекса инсон ҳар куни ўз боласини уришар экан. Буни эшитган қўшнилар кексадан "болани нега доим уришасиз?" – деб сўрашибди. Кекса жавоб берибди: "Болам фақат айтганимни қилади, қолган вақт хаёл суриб ўтиради. Фақатгина айтганимни қилса, у қул (мардикор) бўлиши мумкин. Хулоса эса ўзингизга ҳавола .

Ҳайвонларнинг танаси соғлом бўлса, шуни ўзи етарли. Одам фарзанди ақлли ва инноватор бўлмаса, турмуши обод бўлмайди, иқтисодиёти ривожланмайди. Интеллектуал таълимда ҳар бир фан ва мавзу доимий обод турмуш қуриш билан боғланиши зарур! Билим беришдан янги билимларни самарали ишлата билишга ўқитиш модели муҳим! Болаларимиз фақат соғлом бўлса, бахтли бўлмаслиги мумкин. Бахтли бўлиши учун алломалар айтганларидек янгича ўйлайдиган, янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга, рақобатдош, инноватор, доно, ақлли, кейинчалик донишмандлик зарур.

Таълим эса фақат бор қобилиятини касбий ривожлантиради ва ишлата олишга ўргатади. Интеллектуал таълимни инновацион модели: • камида 7 марта ўйлаш; • 7 та камчилик топиш; • ҳар бир камчиликнинг 7 та тузатиш вариантини ишлаб чиқиш; • 7 та вариантни мезонини ишлаб чиқиш; • белгиланган мезон асосида оптимал вариантини топиш (моделлаштириш); • оптимал вариантни 7 та жорий этиш механизмини ишлаб чиқиш; • жорий этиш орқали турмушни обод қилиш .

**Раҳбарлик қобилияти.** Қобилият - инсоннинг индивидуал салоҳияти, имкониятлари. Қобилият билимдан кескин фарқланади, билим предметларни ўрганиш, кузатиш ва мутолаа натижаси ҳисобланади. Қобилият шахснинг психологик ва физиологик тузилишининг хусусияти саналади.

Қобилият кўникма, малакадан фарқ қилади. Аксарият илмий манбаларда моҳирлик билан қобилият айнанлаштирилади. Қобилият инсон томонидан кўникма ва малакаларнинг эгалланиши жараёнида такомиллашиб боради.

**Қобилият тури.** Ҳар қандай қобилият тури шахсга тегишли мураккаб психологик тушунчадан ташкил топган бўлиб, у фаолиятнинг талабларига мутаносиб хусусиятлар тизимини ўз ичига олади. Шунинг учун қобилият деганда бирорта хусусиятнинг ўзини эмас, балки шахс фаолиятининг талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга имконият берадиган хусусиятлар синтезини тушунмоқ лозим.

**Қобилиятнинг таянч хусусиятлари.** Барча қобилият учун таянч хусусият — кузатувчанликда, яъни инсонни фахмлаш, объектдан у ёки бу аломатларни кўра билиш, ажрата олиш кўникмасидир. Қобилиятнинг етакчи хусусиятларидан бири — нарса ва ҳодисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир. У шахснинг шаклланиши ва ривожланиши натижаси бўлиши билан бирга, табиий манбага ҳам эга.

**Қобилиятнинг табиий манбаалари.** Бу табиий манба кўпинча зеҳн тушунчаси билан юритилади. Зеҳн муайян бир фаолиятга ёки кўпгина нарсаларга нисбатан ортиқча қизиқувчанликда, мойилликда, интилишда намоён бўлади. Зеҳн нишоналари деганда қобилият ички имкониятларининг табиий асосини тушуниш лозим. Инсон ақлини ва бор қобилиятини мунтазам ишлатиш, бу борада тинимсиз билим ва илм олиш учун интилиш орқали зеҳнни чарҳлаб (ўткирлаб) боради. У иштиёқ, мойиллик, меҳнатсеварлик, ишчанлик, талабчанлик кабиларнинг маҳсулидир. Қобилият умумий ва махсус туркумларга ажратилади. Умумий қобилият деганда юксак ақлий имконият ва тараққиёт тушунилади. Қобилият табиий равишда шаклланиши ва муайян моделли тизим асосида ривожлантирилиши мумкин. Қобилиятни маълум фаолиятга мойиллик ёки интилиш орқали, табиий зеҳн нишоналарини аниклаш, мутахассис психолог раҳбарлигида узлуксиз фаолиятга жалб этишдир.

**Бошқарувда интеллектуал қобилият компонентлари.** Давлат бошқаруви, жумладан таълим тизимдаги янги қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар,ислоҳотлар, демократик янгиланиш, янгича бошқарув, таълим жараёнини эркинлаштириш концепцияси йўналишларидаги талабларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишда, баҳолаш, креатив тафаккури, мажмуавий аналитик фикрлаши, таҳлили муҳим ўрин тутади.

Раҳбарликка мойиллик, раҳбарга хос характер бўлиши ҳам талаб этилади. Раҳбар - барча кўрсаткичларига эга бўлиши мумкин, лекин унда ишнинг пировард натижасини кўра билиш қобилияти етарли бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун раҳбар шахсий режа тузганда нимани, қандай қилиб қай шароитда, кимлар билан амалга оширилишини олдиндан белгилаб олиши муҳим.

Раҳбардан талаб қилинадиган жиҳатлар:

- обрў – этиборга эга бўлиш;
- педагогик жамоа ишончини қозониш;
- ходимлар фаолиятини тўғри идрок этиш;
- талабчанлик, меҳрибонлик;
- иш натижаларини кузатиш, баҳолаш, зарур ҳолатларда танқид қила олиш.

**Ижтимоий қобилиятлари:** Киришувчанлик, эътиқод кучи, саботлилик, ҳамкорлик, ходимларни тушуниш ва билишлик. Қизиқишлари, муваффақиятга интилиши, мослашувчанлиги, ишончлилиги. Рахбарнинг ижодкорлик иш услуби ва имкониятлари. Ижодкорлик – раҳбарнинг иш кўзини билиши, пировард натижани олдиндан кўра олиши, ишнинг стратегиясини, тактикаси, технологиясини аввалдан режалаштириб, уни уддабуронлик билан ҳал этиши, педагогик жамоа, ота – оналар, маҳалла аҳли ва ҳомийларни таълим муассасаси муаммоларига ҳамкорлик қилиш. Вазифаларни бажара олиши, режалаштира олиш қобилиятлари, уюшқоқлиги, қарор қабул қилишда ташаббус кўрсатиши, таваккалчиликка тайёрлиги, янгилик ва технологияларни бошқаришни билишлиги.

**Демократияга асосланган коллегиал иш услуби.** Раҳбарлик усулида ўзаро ҳамжиҳатлик, бошқалар фикрини инобатга олиш, тенг ҳуқуқлик, тафовутга бормаслик, мустақил фикрлашга даъват этиш, ҳамижодкорлик асосида иш юритиш, “биз”лик тамойилига амал қилинади.

**Раҳбарнинг касбий ва шахсий фазилатлари:**

Раҳбарлик қилувчилар учун зарур бўлган фазилатларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1) ўзгаларни тушуниш қобилияти;
2) ўзгаларга таъсир этиш қобилияти;
3) раҳбарнинг ўрнак бўлиш фазилатлари.

**Ташкилий ишларга бўлган қобилият:**

– жамоани ўз орқасидан эргаштириш, уларга ўз билим ва кўникмаларини бериш, таълим муассасаси “йўл харитаси”да белгиланган ишларни ташкил қилиш, шахснинг ижтимоий – сиёсий салоҳияти ва фаоллигини оширишга, юртининг ижтимоий – сиёсий ҳаётига қизиқиши, сиёсий, хуқуқий саводхон бўлиш; – ахлоқан етук бўлиш, хулқнинг маънавият тушунчаларига ва мезонларига тўғри келиши, маънавий мезонларга тўғри келмайдиган хатти – ҳаракатлардан узоқ бўлиш;
– ижод қилишга бўлган қобилият;

– ўз касбий билимларини назарий ва амалий жиҳатдан татбиқ эта билиш, иш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишда ижодий ёндошиш, иш жараёнида янгиликлар яратишга интилиш, таълим;
– тарбия жараёнининг самараси кам бўлган шакл ва услубларидан воз кечиш;
– ўз – ўзини бошқара билиш – танқидга тўғри муносабатда бўлиш, ўз – ўзига танқид кўзи билан қараш, ўзига бўлган талабни ошириш;
– ходимлар билан тезликда тил топа олиш – бошқалар билан ҳамкорликда ишлай олиш, келажакка ишонч билан қараш, доимо яхши ижодий кайфиятни сақлай билиш, қийин вазиятлардан ўз обрўсини сақлаган ҳолда чиқа олиш ҳамда руҳий тушкунликка тушмаслик;
– руҳий хусусиятлар – юқори даражали ишчанлик, ижодий ва конструктив фикр юритиш, кўриш ва тинглаш билан боглиқ бўлган ахборотларни ёдда сақлаб қолиш, нутқнинг яхши ривожланганлиги, ўз диққат – эътиборини тезлик билан у ёки бу ҳолатларга ўтказа билиш.

**Раҳбар фаолиятини ташкил қилишнинг ўзига хос тамойиллари:**

**Компетентлик** - билимдон, малакалик, тажрибалилик, масъулиятликни раҳбарлик фаолиятига сингдириб бориш; **Инсонпарварлик** – педагог , ўқувчи ва ота- оналарга ҳурмат ҳамда дўстона муносабатда бўлиш.

**Ўз касбини севиш** – ўзига ишонч, оптимизм, ўз касбини маҳоратли бошқаришга эришиш.

**Раҳбарлик вазифаси мезонлари:** – маънавий – маърифий, сиёсий етуклик - давлат ва спорт таълими сиёсатини тўғри тушуниш ва талқин қилиш, таълим муассасасида, тренер, педагог ва ўқувчилар жамоаларининг фаолиятини долзарб йўналишлар асосида ташкил эта олиши;
– раҳбарлик лавозимига зарур бўлган – тажриба, билим, кўникма, малакага эга бўлиши ҳамда бошқарув педагогикаси, психология тамойилларини билиши ва эгаллаб турган лавозимининг барча қирралари бўйича компетентлиги;
– ўқитувчи, ходимлар, ўқувчилар – фаолияти ривожини олдиндан сеза билиши, шунга қараб керакли чора–тадбирларни белгилаши, ташкиллаштириши, йўналтириши ва назорат эта олиши;
– ахлоқи ва обрў-эътибори – ростгўйлик, адолатлилик, самимийлик ва камтарлик, ўзига ва бошқаларга нисбатан юқори талабчанлик, масъулият ва ўз бурчи, вазифаларига бўлган фидойилик ҳиссининг юксак даражада ривожланганлиги ҳамда барча камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиши;
– сўз ва иш бирлиги – ишчанлик ва уддабуронлик, мураббий, ходим ва ўқувчилар томонидан берилган таклифларни ҳамда таълим муассаса-

сига келган ва қабул қилинган қарорларни ўз вақтида тезкорлик билан мустақил равишда бажаришларига таъсир ўтказа олиши;

– инсон психологиясни билиши – аниқ бир мақсадга йўналтирилган, ҳар томонлама ривожланган, илмий, ижодий салоҳиятли жамоани шакллантира олиши ҳамда катталар ва ўқувчилар жамоалари ўртасида соглом, самимий психологик муҳит ўрнатишга интилиши ва эриша олиши;

– таълим муссасасида – барча раҳбар ўринбосарлари, ўқитувчи ва ходимларининг вазифаларини тўғри тақсимлай олиши ва уларни муваффақиятли натижасини холисона баҳолай билиши;

– таълим муассасасининг – ўқитувчи, ходимлари ва ўқувчилари билан самимий, адолатли ва дўстона муносабатда бўлиши ҳамда жамоани унумли меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, самарали натижаларга эришишларига мумкин қадар қулай шароитлар ярата олиши.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки: раҳбарлик – аниқ бир шароитда бошқарув функцияларларини самарали амалга оширишни таъминловчи, ички уйғунлик ва яхлитликка эга доимий такрорланувчи фаолият усуллари тизимидан иборат. Шунинг учун ҳам раҳбар доимий равишда ўз устида мустақил изланиб, фаолият олиб бориши зарур.

**Адабиётлар:**


1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрада қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5712-сонли фармони.
3. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатьият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон нашриёти, 2017 й.
4. Аҳлидинов Р. Ш. Таълим муассасаси ички назорати – ютуқлар гарови // Халқ таълими. – Т., 1996. – № 2. – Б. 23–28.
5. Абдуқуддусов О. А. Интегратив ёндашув – чуқур билим, яхши фазилатларни шакллантириш омили //Халқ таълими. – Т., 2000. – № 3. –Б. 121-123.
6. Зверева В. И. Организационно-педагогическая деятельность руководителя школы. – М.: “Новая школа”, 1992. – 114 с.
7. Йўлдошев Ж. Ғ. Хорижда таълим. – Т.: “Ўқитувчи”, 1995. – 96 .



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада интеллектуал таълим тўғрисида тушунча ҳамда таълим муассасаларини инновацион бошқарувида раҳбарнинг ўрни ва интеллектуал таълимнинг имкониятлари хусусида фикр юритилиб, тавсиялар берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается понятие интеллектуального образования и роль лидера в инновационном управлении образовательными учреждениями, а также возможности интеллектуального образования и даются рекомендации.

**SUMMARY**

The article discusses the concept of intellectual education and the role of the leader in the innovative management of educational institutions, as well as the possibilities of intellectual education and makes recommendations.